



ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА “OPEN BANKING” БИЗНЕС МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

и.ф.н., доц. **Рахимова Хаваҳон**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0005-3941-888X

havahon@rambler.ru

Номозов Умид

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0004-0388-7476

umidnomozov4@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола иқтисодиётнинг рақамли трансформациясини таъминловчи стратегик механизмлардан бири сифатида “Open banking” бизнес моделини Ўзбекистон молиявий секторига жорий этишни ўрганишга қаратилган. Ушбу модел инновацияларни ривожлантириш, банк хизматлари бозорида рақобатни ошириш ҳамда аҳолига тақдим этилаётган молиявий хизматлар сифатини яхшилаш имконини беради. “Open Banking” концепцияси жаҳон амалиёти ва Буюк Британия тажрибасига урғу берган ҳолда ўрганилди, бунда очиқ тизимда ишлайдиган банкларнинг фаолияти таҳлил қилинди. Шунингдек, унинг ишончли норматив асосни яратиш, хавфсизлик ва махфийлик чораларини кучайтириш, банклар, финтех компаниялари ва регуляторлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш қаби масалалар ўрганилди. Мақолани мақсади “Open banking” бизнес-моделини босқичма-босқич жорий қилиш жараёнида уни иқтисодий имкониятларини кўрсатиш билан бир қаторда кутилаётган хавфларга ҳам эътиборни қаратиш ҳисобланади.

Калит сўзлар: Open banking, рақамли трансформация, меъёрий база, маълумотлар хавфсизлиги, хавф, рақобат, молиявий хизматлар сифати, технологиялар.

ПЕРСПЕКТИВЫ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ БИЗНЕС-МОДЕЛИ «ОТКРЫТОГО БАНКИНГА» НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА

к.э.н., доц. **Рахимова Хаваҳон**

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Номозов Умид

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. Целью данной статьи является исследование внедрения бизнес-модели «Открытого банкинга» в финансовую сферу Узбекистана как одного из стратегических механизмов, обеспечивающих цифровую трансформацию экономики. Данная модель позволяет развивать инновации, повышать конкуренцию на рынке банковских услуг, повышать качество предоставляемых населению финансовых услуг. Изучена концепция «Открытого банкинга» с упором на мировую практику и опыт Великобритании, проанализирована деятельность банков, работающих в открытой системе. Также изучены такие вопросы, как создание надежной нормативно-правовой базы, усиление мер безопасности и конфиденциальности, развитие сотрудничества

между банками, финтех-компаниями и регуляторами. Цель статьи обратить внимание на ожидаемые риски, а также продемонстрировать экономические возможности бизнес-модели «Открытый банкинг» в процессе ее постепенной реализации.

Ключевые слова: Открытый банкинг, цифровая трансформация, нормативно-правовая база, безопасность данных, риск, конкуренция, качество финансовых услуг, технологии.

PROSPECTS AND EFFECTIVENESS OF THE INTRODUCTION OF THE "OPEN BANKING" BUSINESS MODEL BASED ON INTERNATIONAL EXPERIENCE

PhD, assoc. prof. **Rakhimova Khavakhon**

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Nomozov Umid

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article is aimed at studying the introduction of the "Open banking" business model into the financial sector of Uzbekistan as one of the strategic mechanisms ensuring the digital transformation of the economy. This model allows for the development of innovations, increased competition in the banking services market, and improved the quality of financial services provided to the population. The concept of "Open Banking" was studied with an emphasis on world practice and the experience of Great Britain, and the activities of banks operating in an open system were analyzed. Also, issues such as creating a reliable regulatory framework, strengthening security and confidentiality measures, and developing cooperation between banks, fintech companies, and regulators were studied. The purpose of the article is to draw attention to the expected risks, along with demonstrating the economic opportunities of the "Open Banking" business model in the process of its gradual implementation.

Keywords: Open Banking, digital transformation, regulatory framework, data security, risk, competition, quality of financial services, technologies.

Кириш.

Бугунги жамият шиддат билан ривожланмоқда, бу барча соҳаларда, жумладан банк секторида ҳам ўз аксини топмоқда. Замонавий молиявий бозордаги талаб ва таклиф анъанавий талаб ва таклифдан сезиларли даражада фарқ қилади. Рақамли технологияларнинг тез ривожланиши масофавий ва тез хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг ортиши билан бирга, молиявий институтларни янги реалликларга мослаштиришга мажбур бўлмоқдалар.

Молиявий хизматлар бозоридаги рақобат янги инновацион ёндашувлар ва ечимларни талаб қилмоқда. Шундай ёндашувлардан бири "Open Banking" бизнес моделидир. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки "Open Banking"ни ривожлантиришнинг кўплаб ижобий жиҳатлари мавжуд, улар ушбу тадқиқотнинг аналитик қисмида Европани илғор тажрибаси асосида батафсил ёритиб берилган.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади "Open Banking" бизнес моделининг иқтисодий ва техник имкониятларини ўрганиш ва унинг келгусида инсон жамияти ривожланишидаги ролини кўрсатиб бериш.

Ушбу мақсадга эришиш учун янги бизнес моделнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилди, ушбу соҳадаги илғор тажрибалар ўрганилди, Ўзбекистон амалиётига киритиш юзасидан илмий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар шарҳи.

Бу тадқиқот йўналиши нисбатан янги бўлиб, бу соҳадаги назарий-методологик ютуқлар ҳали етарли эмас. Шунга қарамай, ушбу масала бўйича фундаментал тадқиқотларни кўрсатувчи алоҳида илмий ишлар мавжуд. Хусусан, Francesco De Pascalis ва Alan Brehm томонидан ёзилган "Global Development and Regulation of Open Banking" номли нашр алоҳида эътиборга лойиқ (De Pascalis ва Brehm, 2024). Ушбу китобнинг илмий қиймати юқори бўлиб, у дунё бўйлаб "Open Banking" бўйича тўпланган қимматли материаллар ва маълумотларни ўз ичига олади. Китобда "Open Banking" моделининг меъёрий жиҳатлари ёритилган, бу бизнес моделини энди жорий этаётган мамлакатлар учун жуда фойдалидир. Китобда келтирилган "Open Banking" илмий концепцияни жорий қилишни мақсад қилган давлатларни самарали стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам бериб, молиявий бозорларнинг барқарор ривожланишига асос бўлади. Китоб илмий жамоатчиликни эътиборини тортиб, очиқ банкинг моделларини янада ўрганиш ва амалий қўллаш учун кенг назарий ва эмпирик маълумотларни тақдим этади. У шунингдек, глобал иқтисодий ривожланиш контекстида ушбу бизнес моделнинг салоҳиятини чуқур тушуниш ва баҳолашга ёрдам беради.

Россиялик иқтисодчини Владислав "Концепция "Открытого банкинга" в регуляторном ландшафте России" номли мақоласида ўз тадқиқот натижаларини ва илмий қарашларини тақдим этган (Пономаренко, 2014). Бу муаллиф очиқ банкингнинг турли жиҳатларини, жумладан, унинг банклар ўртасидаги рақобатга таъсири, мижозлар маълумотларини ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилган, шунингдек, жорий қилиш жараёнида регуляторларнинг роли ўрганилган. В.Е. Пономаренко "Open Banking" муваффақиятли интеграция қилиш учун ҳуқуқий ва техник инфратузилмани яратиш кераклигини таъкидлайди, бу молиявий муассасалар ва уларнинг мижозлари ўртасида хавфсиз маълумот алмашишни таъминлайди.

«Концепция «Открытого банка» - Суть и потенциальные последствия для рынка финансовых услуг» номли мақолада очиқ банкинг концепцияси ва унинг молиявий хизматлар бозорига бўлган таъсири кўрсатиб ўтилган (Мелека, 2018). Муаллиф ушбу концепциянинг асосий тушунчаларини белгилайди ва анъанавий банклар бу технологияни қандай қилиб ўз фаолиятларига интеграция қилиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилади. Илмий аҳамиятга эга бўлган муаллифни умумий хулосаси шуки, у очиқ банкинг технологияларини жорий қилиш анъанавий банкларнинг рақобатбардошлигини ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши, шунингдек, молиявий хизматларнинг кенг жамоатчилик учун яхшилашини айтиб ўтган.

"Открытый банкинг, стандартизация и недискриминационный доступ: инициативы Европейского Союза по повышению эффективности рынка платежей" номли илмий мақолада Европа Иттифқонини тўлов жараёнига самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббуслари, стандартлаштириш ва молиявий хизматларга дискриминациясиз киришни кўриб чиқади (Достов ва Шуст, 2018). Муаллифлар муҳим илмий хулоса қиладиларки, молиявий хизматларнинг стандартлаштирилиши ва уларга дискриминациясиз кириш бозорида рақобатни сезиларли даражада ошириши ва молиявий хизматларни кенг доирада аҳолига яхшилаши мумкин.

"Развитие системы "Open banking" в России" номли илмий мақолада муаллифлар мамлакатда очиқ банкингнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларни ҳамда унинг воситаларининг асосий қўлланиш соҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга ҳаракат қилди (Быканова, Гордя ва Голубоцких, 2022). Муаллифлар қуйидаги асосий хулосага келишди, очиқ банкингни самарали йўлга қўйиш учун ишончли ҳуқуқий ва техник инфратузилмани яратиш, шунингдек, молиявий ташкилотлар ва финтех компаниялар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини асослаб беришди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда “Open Banking” концепциясининг ривожланиши ва уни Ўзбекистонда қўлланилишини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган комплекс методологик ёндашувдан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, статистик, тарихий, қиёсий, прогноз қилиш ва эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди.

Тадқиқот қуйидаги методологик босқичлардан иборат бўлди:

- Молия сектори рақамлашуви билан боғлиқ илғор тажрибалар ва Ўзбекистоннинг норматив-ҳуқуқий базаси ўрганилди;
- Буюкбританиянинг “Open Banking” соҳасидаги тажрибаси ва бошқа ЕИ мамлакатлари тажрибаси қиёсий таҳлил қилинди, шунингдек, ушбу бизнес модель бўйича етакчи тадқиқотчилар ва экспертларнинг нашрлари ўрганилди;
- Тўпланган маълумотлар асосида “Open Banking”нинг Ўзбекистон молия секторига таъсири прогноз қилинди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

“Open banking” инновацион бизнес модел бўлиб, у очиқ API орқали учинчи томонларга банк маълумотларини меъёрий нормалар ва стандартлар асосида бериш орқали анъанавий молиявий хизматларни трансформация қилади. Бу янги хизматлар ва иловалар яратилишига ёрдам беради, молиявий операцияларнинг шаффофлигини яхшилади ва кенг аудитория учун молиявий хизматларга киришни таъминлайди.

Миллий молиявий бозорда очиқ банкингни ривожлантириш бўйича муҳим илмий хулосалар ва фикрларни шакллантириш ва баҳолаш учун унинг турли мамлакатлардаги ривожланиш тарихи, молиявий бозорга таъсири ҳамда ушбу моделнинг хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқиш муҳимдир.

Очиқ банкинг (ингл. Open banking) — бу концепция, яъни мижозларнинг молиявий маълумотларига учинчи томонларга уларнинг розилиги билан очиқ API (дастурлаш иловалари интерфейси) орқали киришни таъминлаш. Бу учинчи томон ишлаб чиқувчиларига янги молиявий хизматлар ва иловалар яратишга имконият беради, шунингдек, ҳисоб эгалари учун молиявий шаффофликни оширади.

Очиқ банкинг концепциясининг шаклланиши 2015 йилда Европа парламенти тўлов хизматлари тўғрисидаги директивасини (PSD2) қайта кўриб чиққанда пайдо бўла бошлади. Бу директива банкларни очиқ API орқали мижозлар тўғрисидаги маълумотларни беришга мажбур қилди. Шу йили Буюкбританияда “Open Banking Standard” ташаббуси бошланди, бу ташаббус очиқ банк API стандартини ишлаб чиқишга қаратилган эди. 2016 йил февраль ойида очиқ API яратиш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган ҳужжат эълон қилинди.

Буюкбританияда муваффақиятли жорий этилгандан сўнг, очиқ банкинг концепцияси бутун дунё бўйлаб тез тарқала бошлади. Лекин, кўпгина афзалликларига қарамасдан, очиқ банкинг маълумотларнинг чиқиб кетиши ва фирибгарлик каби хавфлар билан боғлиқ. Шунинг учун, самарали меъёрий ҳужжатлар ва техник платформаларни ишлаб чиқиш жуда муҳим, ва “Open Banking” экотизимидаги барча иштирокчилар хавфсизлик ва махфийликнинг юқори стандартларига қатъий риоя қилишлари керак.

Молия бозоридаги бизнес субъектлари мижозлар маълумотлари базасига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишлари, маълумотларнинг ишончли ҳимоясини таъминлашлари керак. Мижозлар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилиги билангина берилиши керак.

"Open Banking" самарадорлигини баҳолаш ва банк бизнесида Open Banking ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш учун унинг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қиламиз.

1- жадвал

"Open Banking" бизнес моделини асосий ижобий ва салбий томонлари

"Open Banking" жорий этишнинг ижобий томонлари	"Open banking" жорий этишнинг салбий томонлари
"Open Banking" банклар ва финтех компанияларга технологик имкониятларини бирлаштириш орқали мижозларга мослашувчан ва сифатли хизматлар кўрсатиш имконини беради.	Молиявий маълумотларга эркин кириш киберхужумлар ва шахсий маълумотларни ўғирланиш хавфини ошириши мумкин.
Очиқ API ёрдамида ишлаб чиқувчилар янги молиявий иловалар ва хизматлар яратишлари мумкин, улар молиявий институтларни "Open Banking" бизнес моделида бирлаштиради.	Рақобат ривожланаётган бир шароитда, банклар очиқ API ларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашга сармоя киритишлари керак, бу эса янги бизнес модели учун, айниқса, бошланғич босқичида харажатни ошириши мумкин.
Open Banking мижозлар учун қулайликларни оширади, уларга маълумотлар устидан юқори даражада кузатиш, бошқариш ва назорат қилиш имконини беради, шу билан бирга мижозлар ва банклар учун операцион харажатларни камайтиради.	Рақобатнинг ўсиши бозордаги анъанавий банклар учун даромадларнинг пасайиши ва бозор улушини йўқотишга олиб келиши мумкин, чунки техник имкониятлари паслиги туфайли.
"Open banking" кредитқобилиятини баҳолаш жараёнини соддалаштиради, тезкор кредитлар ва бошқа турдаги молиялаштиришни олишни осонлаштиради.	Мижозлар ҳақидаги маълумотларни турли юридик шахслар ўртасида алмашиш операцион ва ҳуқуқий мураккабликларга олиб келиши мумкин.

Манба: Жаҳон амалиётини таҳлил этиш натижаси асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

"Open banking" қўллашнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, маълум бир салбий жиҳатларга қарамаздан, ушбу модел келажакда истиқболли аҳамиятга эга бўлиб, миллий банкларни, финтех компания ва бошқа молия институтларни рақобатбардошлигини оширади.

Замонавий дунё жадал рақамлашиб бормоқда, бу эса, ушбу моделнинг долзарблигини таъкидлаб, янги технологиялардан фойдаланиш ва жамиятнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имкониятларини тақдим этади.

Шунингдек, молиявий хизматлар бозорида "Open Banking" бизнес моделини ривожлантириш банк бизнесини рақамлаштиришнинг долзарб масаласи эканлигини таъкидлаш муҳим. Очиқ API янги иштирокчиларга молиявий бозорга кириш имкониятини беради, бу рақобатни оширади ва натижада таклиф қилинаётган хизматлар сифати ва хилма-хиллиги яхшиланади.

"Open Banking" ривожлантириш нафақат истеъмолчиларга, балки молиявий муассасаларга ҳам фойда келтиради, уларни замонавий бозор эҳтиёжларига мослаштиради. Шунингдек, ушбу бизнес платформа доирасида бирлашган бошқа молия институтларнинг ҳамкорлиги туфайли ўз хизматларини яхшилаш имкониятини беради ва даромад базасини кенгайтириши таъминлайди.

"Open Banking" ривожлантириш бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан Буюкбритания, катта тажрибага эга. Ушбу давлатда "Open Banking" ташаббуси 2015 йилда давлат кўмагида ишга туширилган. Асосий мақсад молия секторида рақобат ва инновацияларни ривожлантириш шароитларини яратиш эди. Бу истеъмолчиларга ўз

молиявий маълумотлари устидан кўпроқ назорат бериш, янги маҳсулот ва хизматлар яратиш, шунингдек, янги иштирокчилар учун бозорга кириш тўсиқларини пасайтиришни ўз ичига олган.

“Open Banking” бизнес платформаси самарали фаолият юритиши учун ривожланган экотизимни яратилишини ҳамда банклар, финтех-компаниялар, тартибга солувчи органлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида самарали ҳамкорлик ташкил қилинишини таъқозо этади. Бунинг натижасида очик банк бизнес-платформасининг ишлаш механизми инновациялар ва янги маҳсулотлар ҳамда хизматларни ишлаб чиқиш учун яхши шароит яратилади.

Буюкбританияда очик банк бизнес модели самарали фоялият юритишига бир неча муҳим омилларни белгилаб ўтишимиз зарур, бу биринчи навбатда, уни жорий этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлиги бўлса, иккинчи томонидан пухта ишлаб чиқилган стандартлар ва талаблар ҳисобланади. “Open Banking” бизнес платформаси пилот дастуридан бошланилиб, хизматлар доирасини босқичма-босқич кенгайтириб, параллел равишда қатъий мониторингни амалга оширилиб, зарурат туғилганда тузатишлар киритилиб борилган.

2015 йилда Буюкбританияда “Open Banking” бизнес-платформасини ташкил қилиш учун меъёрий стандартлар қабул қилинди, улар тартибга солишнинг асосий элементи ҳисобланади. Бу стандартлар техник талаблар ва маълумотларни хавфсизлик талабларини аниқлайди, бозорнинг турли иштирокчилари ўртасида мослашишни таъминлайди, яъни бошқача қилиб айтганда, ушбу бизнес платформа иштирокчиларнинг ахборот алмашувини хавфсиз ва тез амалга оширилиши учун техник талаблар билан бирга уларнинг ўртасидаги муносабатни тартибга солувчи меъёрларни қўяди.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозим, “Open Banking” платформасини ривожланишида Буюкбританиянинг “Рақобат ва бозорлар бошқармаси” (СМА - Competition and Markets Authority) асосий рол ўйнаган. 2017 йилда СМА Буюкбританиянинг тўққизта йирик банки лицензияланган компанияларга мижозларининг маълумотларига, жумладан ҳисоб-китоб даражасидаги транзакцияларга кириш имконини беришни мажбур қилди, бундай йирик банклар қаторидан Barclays, HSBC ва Lloyds Banking Group ўрин топди.

2- жадвал

Буюк Британияда “Open Banking” бизнес моделини жорий этишдан олинган натижалар*

№	Олинган ижобий натижалар
1.	“Open Banking” фойдаланувчилари сони ортиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда 3 млн фойдаланувчи бўлган 2024 йилга келиб, 12 млн ташкил қилган**
2.	Банклар, финтех компаниялари ва бозорнинг бошқа иштирокчилари сонининг кўпайиши. “Open Banking” тизимида, ҳозирда 250 нафар иштирокчи бор, ундан 60 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари (финтех ва нобанк компаниялари)**
3.	“Open Banking” орқали амалга оширилаётган транзакциялар ҳажми ошиб бормоқда
4.	Янги молиявий маҳсулотлар ва хизматлар сонининг кўпайиши
5.	Молиявий секторда рақобатнинг кучайиши.
6.	Янги молиявий маҳсулотлар ва хизматлар сонининг ошиши.
7.	Молиявий хизматлар сифатини ошиши ва уларнинг таннархини пасайиши.
8.	Банк соҳасида рақамли трансформацияни жадаллаштириш.
9.	Янги бизнес моделлари ва инновацион хизматларнинг пайдо бўлиши

***Манба:** Жаҳон амалиётини таҳлил этиш натижаси асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

****Манба:** (Statista, 2024)

СМА 2024 йил сентябрида “Open Banking” жорий этиш бўйича сўнгги режанинг тўлиқ якунланганини тасдиқлади. Буюкбританиянинг молиявий институтлари фаолиятида “Open Banking” жорий этиш натижасида олинган ижобий натижаларни кўриб чиқамиз.

Маълумки, янги технологиялар, жумладан, блокчейн, роботлаштирилиш, жараёнларни автоматлаштириш ва сунъий интеллект, ҳозирги рақамли трансформация тўлқинининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Оммавий каналлар орқали тўловларни реал вақтда ишлов беришга бўлган талабнинг ошиши, шунингдек, аниқ тармоқларга мўлжалланган илова учун ақлли технологиялардан фойдаланиш, Буюкбританиянинг интеграциялашган молияга тез ўтишини кўрсатди. “Open Banking” пайдо бўлиши кенг имкониятлар яратди. Шунингдек, молиявий институтлар ва финтех компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар яратди.

“Open Banking” платформасини тартибга солишга келганда, Европа Иттифоқида ишлаб чиқилган Тўлов Хизматлари Директиваси-2 (PSD2) “Open Banking” тартибга солиш учун муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. У банкларни мижозларнинг розилиги асосида очик API орқали учинчи шахсларга мижозлар тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашга мажбур қилади, шунингдек хавфсизликни ошириш учун мижозларнинг қатъий аутентификация талабларини белгилайди.

Хулоса ва таклифлар.

Европада “Open Banking” ривожланиши Ўзбекистон амалиёти учун қимматли тажриба бўла олади. Ўзбекистонда “Open Banking” муваффақиятли ташкил қилиш ва ривожлантириш учун, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги муҳим элементларга эътибор қаратилиши лозим:

- Ишончли меъёрий базани яратиш ва такомиллаштириш, яъни маълумотларни ҳимоя қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш учун аниқ қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқиш;

- Истеъмолчилар хавфсизлиги ва ҳимоясини кучайтириш, бу хавфсизлик чораларини қатъий амалга оширишни ва маълумотлар махфийлигини сақлаш қоидаларига риоя қилишни талаб қилади;

- Барча манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, бу банклар, финтех-компаниялар, тартибга солувчи органлар ва истеъмолчилар ўртасида самарали экотизим яратиш учун ҳамкорликни кучайтиришни таъминлаш;

- Хизматлар доирасини босқичма-босқич ва аста-секин кенгайтириш ва жорий этиш натижаларини доимий мониторинг қилиш;

- “Open Banking” афзалликлари ва хавфлари ҳақида тўлиқ хабардор бўлиш ва бу борадаги маълумот базасини кенгайтириш.

“Open Banking” амалиётини Ўзбекистон банк тизимига жорий этиш инновациялар ривожланиши, рақобатнинг кучайиши ва фуқаролар учун молиявий хизматларнинг сифатини яхшилашга кўмак беради.

Ўзбекистонда “Open Banking” жорий этиш молия секторидаги рақамли трансформацияни жадаллаштиришга муҳим қадам бўлиши мумкин, инновацияларни ривожланишига, рақобатни кучайтиришга ва фуқаролар учун молиявий хизматларнинг сифатини яхшилашга кўмак беради.

Шунингдек, стратегик вазифани белгилаб олиш керак, ва барча экотизим иштирокчилари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш ва “Open Banking” бизнес моделида хавфсиз ва очик фаолият юритиш учун юқори даражадаги инфраструктурани ва кенг шароитларни барпо этиш лозим. “Open Banking” тартибга солувчи техник стандартлардаги доимий ўзгаришларни ҳисобга олиш ва меъёрий базани энг яхши жаҳон амалиётларига мослаштириш керак.

Адабиётлар/Литература/References:

De Pascalis, F., & Brehm, A. (2024). *Global Development and Regulation of Open Banking*. Routledge.

European Banking Authority (EBA). (2017). *Guidelines on security measures for operational and security risks under the PSD2*. EBA. Retrieved from <https://www.eba.europa.eu/>

European Parliament and Council of the European Union. (2015). *Directive (EU) 2015/2366 on payment services (PSD2)*. Official Journal of the European Union, L 337, 35–127. Retrieved from <https://eur-lex.europa.eu/>

Financial Conduct Authority (FCA). (2019). *Payment Services and Electronic Money – Our Approach*. FCA. Retrieved from <https://www.fca.org.uk/>

KPMG International. (2019). *Open Banking: Opening the door to new opportunities*. KPMG. Retrieved from <https://home.kpmg/>

Open Banking Implementation Entity. (2017). *The Open Banking Standard*. Open Banking Ltd. Retrieved from <https://www.openbanking.org.uk/>

Statista. (2024). Topic: Open banking. [online] Available at: <https://www.statista.com/topics/11010/open-banking/>.

Быканова, Н. И., Гордя, Д. В., & Голубоцких, В. Н. (2022). Развитие системы "Open banking" в России. *Современная экономика: проблемы и решения*, Т1 (145), 27-35.

Достов, В.Л., & Шуст, П.М. (2018). Открытый банкинг, стандартизация и недискриминационный доступ: Инициативы Европейского Союза по повышению эффективности рынка платежей. *Стратегические решения и риск-менеджмент*, (2), 25.

Мелека, Д.В. (2018). Концепция «Открытого банка» - Суть и потенциальные последствия для рынка финансовых услуг. II Международный научный форум по устойчивому развитию социально-экономических систем, 22-25.

Пономаренко, В.Е. (2024). Концепция "Открытого банкинга" в регуляторном ландшафте России. *Исследование открытого банкинга: Роли и риски*, 16-25.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2020). *Ўзбекистонда рақамли банкингни ривожлантириш стратегияси*.